

O'zbekistonda sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган

E-mail: uzss@inbox.ru

2006 йил 28 ноябрь — 4 декабрь № 48 (512)

Сешанба кунлари чиқади

Хайъат йиғилиши

ИЖОБИЙ НАТИЖАЛАР САМАРАСИ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Бухоро вилоят ҳокимлигининг қўшма хайъат йиғилиши қадимий ва кўхна, буюк аждодларимиз эъозланган муқаддас диёр — Бухорои Шарифда ўтказилди.

Жорий йилнинг 24 ноябрь куни хайъат қатнашчилари илк ташрифни тиббиёт илмининг султони, бобоқалониимиз Абу Али ибн Сино таваллуд топган Пешку тумани, Афсона-қишлоғида жойлашган янги тиббиёт коллежининг очилиш маросимидан бошлашди. Қатнашчилар замонавий таълим стандартлари асосида барпо этилган ушбу мажмуадаги кенг имкониятлар, шарт-шароитлар, буюк аждодларимизнинг илмий мероси жо этилган тарихий музейнинг ҳам бино олдида қад ростлаши тайёрланаётган кадрларнинг ҳам маънан, ҳам руҳан камол топишлари учун асосий восита ҳисобланишини таъкидлаб ўтишди.

Шундан сўнг, хайъат йиғилиши Афсона тиббиёт коллежининг мажлислар залида давом эттирилди. Йиғилиши Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Феруз Назиров кириш сўзи билан очиб, республика тиббиёт тизими ҳамда Бухоро вилоят соғлиқни сақлаш соҳасидаги фаолиятлар ва амалга оширилаётган ислохотлар самараси ҳусусида тўхталди.

Сўнгра Бухоро вилоят ҳокими, сенатор Самойидин Хусенов сўзга чиқиб, Ҳомийлар ва шифокорлар йилда Бухоро вилоят соғлиқни сақлаш тизимида салмоқли ишларнинг амалга оширилганиги ва улар негизда инсон саломатлиги устувор вазири эканлигини таъкидлаб ўтди.

Кун тартибидаги биринчи масала, яъни Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш тизими ҳолати тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва-

зирининг биринчи ўринбосари Абдуҳаким Ҳожибоев маъруза қилди. Нотик вилоят тиббиёт тизимида жорий йилда олиб борилган фаолиятлар ҳусусида сўз юритиб, вилоят туманларидаги тиббиёт муассасаларининг муваффақиятлари, шунингдек, камчилик ва муаммолари бўйича ҳам ўзининг фикрларини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тиббиёт муассасаларининг 2006 йил 9 ойлик молия хўжалик фаолияти якуни ва жорий йилнинг охиригача мўлжалланган истиқболларнинг бажарилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги иқтисодиёт ва молия билан таъминлаш Бош бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Ҳошимовнинг маърузаси тингланди.

Тадбир давомида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Ф. Назиров «Республика тиббиёт ходимлари кўни» муносабати билан тақдирланган бир гуруҳ тиббиёт ходимларига «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш аълоҳиси» кўркак нишонини топширди.

Йиғилиш иштирокчилари тадбир давомида Афсона тиббиёт коллежи ва Абу Али ибн Сино музейининг очилиш маросимида қатнашдилар. Шунингдек, Бухоро шаҳридаги диагностика марказига ҳам ташриф буюриб, у ердаги фаолиятлар билан танишдилар.

Ибодат СОАТОВА.

(Ушбу тадбирлар тафсилоти билан газетамизнинг кейинги сонидан танишасиз).

Учрашув

ДИЙДОРЛАШУВ ОНЛАРИ...

“Вақт омонат, дийдор ганимат”, дейди доно халқимиз. Айниқса, узок йиллардан сўнг уйғонган янги қалб, соғинч куртаклари, кимни бефарқу, кимни дийдорлашув онларига чорламайди, дейсиз. Вақтнинг ҳар бир сонияси инсон умри учун қимматли. Зум ўтмай болаликдаги пошшолик ортда қолгани каби инсонлар орасидаги яқинлик, дўстлик ва меҳр-оқибат қанчалик қадри эканлигини англаб бора экансан киши.

— Ҳаяжонимни босолмайман. 20 йил-а! Тўғриси, бу кунни орзиқиб кутдим. Сониялар қадрига етдим, — дейди курсдош дўстларини институт ховлисида интиқлик билан кутаётган Тўлқин Ҳошимов.

Ҳа, дийдор — бу гоҳида олтинга қиммат, гўёки бебаҳо бойликка ўхшайди. Уни кўриб ёки фойдаланиб бўлмайди, уни фақатгина юрак-юракдан чуқур хис этиш мумкин. Дийдор яна шундай туйғуки, у инсонга озуқа ва умрига яна баҳорий қувват, илохий куч-қудрат бағишлайди.

— Ана, улар келишяпти. Наҳотки, дийдорлашув онлари бунчалик қадри бўлса, наҳотки, улар менинг курсдош дўстларим, — дея ўзини кўярга жой тополмай, курсдошлари бағрига ошиқади Тўлқин ака.

Севинч ёшлари... Ёшлик, навқиронлик. Умрнинг мазмуни дақиқалари ана шундай тотли, унутилмас. Бир-бирларини 20 йил мобайнида кўриш орсусида юрган Тошкент Педиатрия тиббиёт институти битирувчилари бугун ҳар қачонгидан кўра бахтиёр эканликларини хис этиш қийин эмас. Кимнингдир юзида табассум, яна кимнингдир юзида соғинч ёшлари. Демак, дийдорнинг дийдориди инсон умри муқаддас. Қаранг, орадан 20 йил ўтибди. Бу вақт ичида инсон ҳаётида қанчадан-қанча воқеалар, тарихга бой ширин лаҳзалар битиб қолдирилди. Кечагина институт ховлисида тиббиётнинг сиру синоатларини билишга ошиқиб, болалар шифокори бўлишдек шарафли касбни орзу қилган курсдош кадрдонларнинг қувончини сўз билан ифодалаб бўлармикан. Улар бугун республикамизнинг турли тиббиёт муассасаларида ўз касбининг фидойи инсонлари сифатида меҳнат қилиб келмоқдалар.



дирлашув онлари ҳақиқий маънода инсон қалбида мустаҳкам из қолдирди. Ҳар бир битирувчи ҳаётида бу сана муҳим тарихий воқеага айланиб қолди. Институтнинг мажлислар зали-

Институт раҳбарияти томонидан битирувчи курсдошларга билдирилган бундай юксак ҳурмат-этибор, ҳар бир меҳмонни севинтириб юбориши шубҳасиз эди.

— Тўғриси, бундай бўлишини кутмагандим. Мен бу ерга курсдош дўстларимнинг қизиқарли суҳбатлари-ю, талабаларнинг олтин давларини қўмсаб келдим. Улар билан унутилмас хотираларни эслаб қулишдик, бир-биримиз билан янада яқинроқ бўлдик, — ҳаяжонини яшира олмайди қашқадарёлик Эшмурот Носиров.

Албатта, талабаларнинг шўхликларини, гўзал таассуротларни унутиб бўлармикан!? Улар айнан ана шу хотиралар билан ўзаро суҳбатлашдилар. Тадбирга сўзга чиққан 20 йиллик кадрдонларнинг устозлари барчани байрам билан қутлар экан, дийдор ганимат эканлигини таъкидлаб, битирувчилар бундан кейин ҳам хамиша аҳил-инोक бўлиб юришларини тилади.

Байрамона кайфият, шодоналик бир зумда битирувчиларнинг хайрлашув онлари яқинлашганидан огоҳ этди... Қанчалик оғир бўлмасин, кадрдонлар бир-бирлари билан “қайта кўришгунча” ибораси билан хайрлашдилар. Энди уларнинг ҳаётида 2006 йил 18 ноябрь эсдан қиймайдиغان энг улғу санага айланиб қолади.

Намоз ТОЛИПОВ.
Суратлар муаллифи:
Асен НУРАТДИНОВ.



— Севинчдан тилимга сўз келмай қолади. Оила, иш, ҳаёт ташвишлари билан бўлиб, вақт қандай ўтганини билмай қолибмиз. Сабаб баҳона дўстлар билан дийдорлашувимиз эса асрга татиқлик кун бўлди, дегам янглишмайман, — дея тўлқинлашиб гапиради Сирдарё вилоят туғруқхона мажмуи врач-неонатологи Дилором Атажонова.

2006 йил 18 ноябрь куни эрталаб Тошкент Педиатрия тиббиёт институтида йиғилган 1986 йилги битирувчиларнинг дий-

да бошланган тадбирни кириш сўзи билан очган институт ректори Анвар Алимов 20 йиллик битирувчиларга қараб:

— Сизларга ҳавасим келади. Инсон учун дунёда дийдордан бўлак бахт бормикан! Биламан, бугун ҳар бирингиз ўз касбинингизни улғулаб, тиббиётимиз шаънини, юртимиз истиқболини ҳимоя қилаётган жонқуяр тиббиёт ходимларисиз. Умид қиламанки, сизларда яна дўстлик ришталари, қадрдонлик меҳр нурулари қайта мустаҳкамланади ва бу мунис лаҳзалар ҳали узок давом этади, — дея эзгу тилақларини билдирди.

ФАРЗАНДЛАРИМ

КАБИ
СЕВИМЛИ ВА
АРДОҚЛИДИР

2-бет.

Ushbu
sonda:

ВИЧ/СПИД —
ВРАГ
ЧЕЛОВЕЧЕСТВА

3-я стр.

Хотира
уйғонса
гўзал

7-бет.

БИР УМР
ҚАЛБЛАРДА
МУҲРАНИБ
ҚОЛДИ

8-бет.

3 декабрь — Халқаро Ногиронлар куни



Мавлуда ОРТИҚОВА,
Бухоро вилоят ногирон болалар соғлигини қайта тиклаш маркази бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди.

— Аслида асаб касалликлари мутахассисиман. Ўз касбида бўлган қизиқшим сабабли чуқур изланишлар олиб боришни мақсад қилиб қўйган эдим. Ниҳоят, 1996 йилда «Камқонлик туфайли содир бўладиган асаб тизими патологиясининг клиник ва психологик тавсифи» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқладим. Илмий изланишимда шу нарсага иқдор бўлдимки, мен кўтариб чиққан мавзу айни кундаги фаолиятимда ўз ифодасини топмоқда, десам янглишмаган бўлман.

Зеро, мана етти йилдирки, ушбу марказда фаолият юритиб келяман. Мазкур муассасага бош шифокор бўлиб келган кезларимда бу ердаги шароит ва имкониятлар талаб даражасида эмас эди. Лекин асосий мақсад ногирон болалар соғлигини тиклаш экан, табиийки, бу ерда даволанувчилар учун бор қўлайликларни муҳайё қилиш учун мавжуд имкониятларни ишга солдик. Даставвал, бинони қайта таъмирдан чиқариб, умумий аҳолини яхшиладик. Барча шарт-шароитлар яратилгач, мурожаат қилувчи ота-оналар сони ортди. Марказимизда асосан, касалхонада тузилган даврдан бошлаб, то 16 ёшгача бўлган болалар церебрал фалжлиги билан, ўтказиб юборилган менингоэнцефалит, бош мия ва орқа мия жараҳатидан сўнг қолган асоратлар, наслий туғма касалликлар, миопатиялар, хромосома ҳамда энцефалопатиялар билан касалланган болалар ётиб даволанадилар. Бу касалликлар асосан оғир формаларда бўлиб, болаларнинг қўл-оёқлари шол, сезув органлари, жумладан, кўриш, гапириш, эшитиш қобилиятининг сусайиши, ақлий ривожланишда орқада қолиш ва бошқа жуда кўп нуқ-

сонлари билан кечади. Ўтказиладиган тиббий муолажалар ногирон болаларнинг жисмоний нуқсонларини йўқотишга қаратилган бўлиб, даволанаётганларнинг кўпчилиги юриб кетади, гапиради, эшитиши ва мумкинқадар ижтимоий ҳаётга мослашади. Даволанувчи болаларга 5 на-

— Мен бахтимни шу болаларнинг ҳаёти билан боғлайман. Уларнинг ногиронликдан мустақил ҳаётга кириб боришлари бу мен учун ниҳоятда катта бaxт, катта қувончдир. Айниқса, уларнинг кўзларидаги умид асло йўқолмаслигини тилаб, бор куч-имкониятларни аямайман. Чунки, улар менинг фарзандларим каби ардоқли, сеvimлидир. — дейди марказ бош шифокори Мавлуда Ортиқова.

фар шифокор, 23 нафар ҳамшира тиббий хизмат кўрсатади.

70 ўринга мўлжалланган муассасамизда биргина Бухоро вилоятидан эмас, балки қўшни вилоятлардан ҳам ногирон болалар келиб даволанишади. Шифохонамиз бюджет томонидан таъминланган. Биринчи бўлимда 8 ёшгача, иккинчи бўлимда эса 8 ёшдан 16 ёшгача бўлган ногирон болалар жойлашган бўлиб, улар учун барча имкониятлар мавжуд. Юра олмайдиган ногирон болаларга муолажалар уларнинг ётган жойларида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 2 декабрдаги 532-сонли ҳамда 1999 йил 14 январь куни қабул қилинган 19-сон қарорлари ва 639-640-641-тартибларнинг бажарилиши буйича иш юритилади.

Болаларимизнинг соғликларини тиклаш билан бир қаторда уларнинг маънавий-маърифий дунёларини бойитиш мақсадида байрамларни тантанали равишда ташкил этамиз. 2004-2006 йиллар мобайнида марказдаги таъмирлаш ишларини амалга оширишда кўпгина ҳомийларимизнинг ҳиссаси катта бўлди.

Ҳоҳда баъзи ота-оналар фарзандларининг касалликларини кечиктириб олиб келишади. Оқибатда қутилмаган асоратлар

Бу ҳаётда ҳар бир ота-онанинг орзу-умиди битта. У ҳам бўлса, фарзандининг қамоллини кўриш ва уни жамиятнинг энг намунали аъзоси сифатида тарбиялашдир. Лекин фарзандларимиз тақдирнинг битилган қисмати туфайли ногирон, меҳнатга лаёқатсиз, айрим нуқсонлар билан дунёга келсачи? Шунда ҳам ота-она асло умидидан ортага чекинмайди. Аксинча, уни даволатиб, мустақил ҳаётга қўйиш учун тинмай саяё-ҳаракатлар қилади, елиб-югуради. Республикаимизнинг мавжуд шифохоналарига мурожаат этиб, орзу-ҳавасларига нажот излайди. Ана шундай умидларга бор меҳри билан жавоб берадиган Бухоро вилоят ногирон болалар соғлигини қайта тиклаш марказида бўлганимда у ердаги ногирон болаларни ўз фарзандлари каби парвариш қилиб, улар соғлиги учун қайғуриб, бе-миннат хизмат қилаётган шифокор ва ҳамширалар ҳамда кичик тиббиёт ходимлари фаолиятини кўриб, марказдаги меҳнатлар қанчалик машаққатли эканлигининг гувоҳи бўлдим.

ФАРЗАНДЛАРИМ КАБИ СЕВИМЛИ ВА АРДОҚЛИДИР

болани бир умрга ногирон қилиб қўяди. Айнан биргина туғма касалликларга бу ҳолни йўймаздан, оиладаги ижтимоий муҳитнинг яхшимаслиги, айрим ота-оналарнинг ичкилик, гиёҳвандлик ва чекишга ружу қўйишлари кўп ҳолларда ногирон болаларнинг дунёга келишига сабаб бўлади. Бунинг олдини олиш учун ҳар бир оилада соғлом турмуш тарзи яратилиши керак. Ундан ташқари, ҳомиладорлик пайтида аёлларнинг булар бўлмагача сиқилишлари, камқонлик ва йод танқислиги сингари касалликларни ўтказиб юборишлари туфайли ҳам юқоридаги каби нохуш ҳолатлар келиб чиқади. Баъзида ана шундай ногиронликнинг юзга келишида шифокорларнинг хатоси ҳам муҳим ҳисобланади. Айниқса, ҳомиланинг туғилиш жараёнидаги этиборсизликлар



Назира ФАТХУЛЛАХЎЖАЕВА,
шифокор, I бўлим бошлиғи.

— Мана, қирқ олти йилдирки, шифокорлик касбини ардоқлаб келмоқдаман. Фаолиятим давомида бошқа тиббиёт муассасаларида ҳам ишладим. Анча йиллардан бундан ушбу тиббиёт масканида меҳнат қилар эканман, бир қанча бемор болажонларга керакли муолажаларни тавсия қилиб, дардларига малҳам бўла олганимдан хурсандман. Лекин болалардаги туғма ногиронликнинг тузалмаслиги ёки ўз вақтида даволанмай турли хил асоратлар билан бир умр касалланиб, жамиятга қоникиб яшайдан бебахра бўлган болажонларимизни кўрсам юрагим алланечук бўлиб кетади. Биз ногирон болаларимиз учун барча шароитларни муҳайё қилиб, қўлимиздан келганча ёрдам берамиз. Шуни ҳам алоҳида таъкидлашим ҳозирки, биздан шифога истаб келаётган болажонларимизнинг деярли барчаси жамиятимиз учун оз бўлса-да ўз ҳиссаларини қўшаётганлигидан бахтиёримиз. Бундан кейин ҳам ана шундай болажонларимизни даволаб, келажақда ўз ўрнини топиши учун мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, барча куч-гайратимизни сарфлаймиз.

Ҳанифа УСМОНОВА,
Бухоро шаҳри,
уй бекаси.

— Икки нафар фарзандим бор. Иккинчи фарзандим Бехрузжон туғилиш вақтида акушерлик парележи билан дунёга келди. Унинг чап қўлининг ҳаракатда бўлмаслиги бутун оила аъзоларимизни ташвишлантирди. Касаллик ташҳиси аниқ бўлгач, ушбу марказга даво истаб келдик. Мана, бир йилдирки, Бехрузжонга вақти-вақти билан керакли муолажаларни олиб турибмиз. Бу ердаги тажрибали шифокор ва ҳамшираларнинг сифати тиббий хизматлари туфайли ўғлимнинг қўлида ўзгариш бўлиб, бемалол ҳаракат қила бошлади. Айниқса, оналар ва болалар учун шарт-шароит ҳамда барча имкониятлар мавжуд. Мен мазкур муассасанинг барча тиббиёт ходимларига ўз миннатдорчилигини билдириб, даво истаб келган қалби кемтик болаларга бераётган бегараз ёрдамларининг савоби чексиз бўлишини тилаб қоламан.



Мазкур марказда даволанаётган болажонларнинг оналари билан суҳбатлашганимда уларнинг кўзларидаги сеvimчи ёшлари-ю миннатдорчилик туйғуларини кўриб, жамоада ишлаётган ходимлар меҳнати бесамар кетмаётганлигига ишонч ҳосил қилиб, ана шундай фидойи, меҳнатсевар инсонлар фаолиятига таҳсинлар айтиб, савобли ишларида сабр-бардошли бўлишларини тилаб қоламан.
Ибодат СОАТОВА.

1 декабря – МЕЖДУНАРОДНЫЙ ДЕНЬ БОРЬБЫ СО СПИДОМ

Синдром приобретенного иммунного дефицита человека (СПИД) – одно из важнейших и трагических проблем, возникших перед человечеством в конце XX века. СПИД – новое инфекционное заболевание, которое специалисты признают как первую в известной истории человечества действительно глобальную эпидемию.

Известно, что первые заболевшие СПИДом люди выявлены в 1981 году. В течение прошедшей первой декады, распространение вируса возбудителя шло преимущественно среди определенных контингентов населения, называвшихся группами риска. Но с 1992 года началась вторая декада пандемии, более тяжелая, чем первая. Хотя уже ясно, что причиной синдрома и связанных с ним заболеваний является вирус иммунодефицита человека, происхождение этого вируса-возбудителя до сих пор остается загадкой.

Если обратиться к цифрам, эпидемия СПИДа унесла жизни более 25 миллионов человек, в том числе 3,1 миллиона в 2005 году и что самое страшное, более 570000 из этого числа были дети до 15 лет. По оценкам специалистов, общее число людей, живущих в мире с ВИЧ, достигло самого высокого уровня (40,3 миллиона человек на 1 декабря 2005 года).

Ведущие специалисты определяют в настоящее время СПИД как "Глобальный кризис здоровья", как первую и действительно всемирную эпидемию инфекционного заболева-

преддверии этой даты мы побеседовали с врачом-эпидемиологом организационно-методологического отдела Республиканского центра СПИД Наджимовым Фарходжоном Касымжановичем.

– Действительно, СПИД это всемирная проблема человечества,

числа новых случаев ВИЧ/СПИДа. Из этого следует, что эпидемия с каждым годом охватывает все больше и больше населения мира.

В нашей республике в период с 1987 года на 1 января 2006 года было зарегистрировано 7810 случаев заболевания СПИДом. И ес-



ВИЧ/СПИД – ВРАГ ЧЕЛОВЕЧЕСТВА



ния, которое уносит жизни разрывшихся им людей.

Учитывая актуальность этой проблемы, в 1988 году на Генеральной ассамблее ООН, 1 декабря было объявлено Всемирным днем борьбы против СПИДа. В

для решения которой должны быть задействованы все силы и средства. За последние пять лет эпицентр эпидемии сместился в страны Восточной Европы и Центральной Азии, где наблюдались самые высокие в мире темпы прироста

тестов, эти цифры заставляют нас задуматься о завтрашнем дне, о здоровье будущего поколения. Ведь здоровье наших детей в наших руках.

Известно, что легче предотвратить болезнь, чем лечить ее. А профилактикой заболевания ВИЧ/СПИДом является пропаганда населения об актуальности ведения здорового образа жизни, пресечение употребления наркотиков, обеспечение безопасного донорства, обязательная проверка донорской крови и постоянный врачебный контроль.

В Республиканском центре СПИД для проведения данных мероприятий, созданы все необходимые условия. Это и слаженная работа квалифицированного медицинского персонала и оснащение центра современным медицинским оборудованием, помогающим в диагностике и лечении заболеваний. В целях повышения профессионализма специалистов центра в сотрудничестве с нашими зарубеж-

ными коллегами проводятся международные семинары и тренинги, разрабатываются и внедряются в жизнь учебные программы.

– Фарходжон Касымжанович, объединив общие силы, опыт и знания, можем ли мы достигнуть позитивных результатов в работе? Расскажите пожалуйста, о сотрудничестве Республиканского центра СПИД с другими организациями.

– Вот уже несколько лет наш центр сотрудничает с международными организациями как UNAIDS, UNFPA, UNICEF, со Всемирным банком и др. В целях предотвращения распространения заболевания, нашим центром организованы и действуют кабинеты доверия, полностью оснащены и укомплектованы два тренинга – центра, открытие которых намечается на 1 декабря этого года.

– Счастливого будущего – в руках здорового поколения. Постоянная работа с молодежью, воспитание ее в духе ведения

здорового образа жизни, по сути, самый актуальный фактор. Насколько глубоко уделяется внимание работе с молодежью?

– Молодежь это наша уверенность в завтрашнем дне. А здоровье ее следует беречь всегда. Специалисты Республиканского центра СПИД, осознавая это, постоянно сотрудничают с учебными заведениями, организациями, работающими с молодежью. Тесно контактируя со школами, лицеями, колледжами и с высшими учебными заведениями республики, проводят беседы, на которых участники получают подробную информацию о ВИЧ/СПИДе, его распространении и вреде, который он приносит в жизнь человека, семьи и целого общества.

Тема, затронутая сегодня в нашей беседе, действительно, это проблема не только одного общества или одной страны, но всего человечества. И решить ее – обязанность каждого. Ведь мы не можем смотреть на то, что каждую минуту от этого заболевания во всем мире погибает огромное количество людей. Помогите друг другу собирать самое главное – здоровье.

Беседовала Ирода ИЛЬХАМОВА.

СЎНГГИ ПУШАЙМОН...

– Энди пушаймон қилишнинг фойдаси йўқ, Хаммасига ўзим айбдорман... Тўй ҳам бўлмади... – дея бошини эгиб, афсусланди Салимбек.

Одатдагидек унинг отаси хизмат сафари билан чет элга кетган. Онаси эса ишдан бўгун кечроқ келишини, ўғли учун иссиқ овқат тайёрлаб қўйганини тайинлаб кетган эди...

Салимбек чарчаб, ўзининг хонасида дам олаётган бир пайтда мактабдош дўсти Абдурахим телефон қилиб қолди. Қўришмаганларига ҳам анча бўлганди. Дўсти уни кечқурунги ўтиришга таклиф қилди...

Салимбек ярим кечаси маст холда уйига қайтди. Эртасига институтга бора олмади. Бир неча кундан сўнг тоққа дам олгани борди ва у ерда икки кун қолиб кетди. Бу холдан онаси ҳавотирга тушди. Кимлар билан кетаётганлигини сўрамаган экан, афсусланди. Ўғли телефон ҳам қилмади...

Онаси ҳаттиқ безовталаниб, сабабини суриштирди, насихат қилди, фойдаси бўлмади. Сўнг отасига айтди. Салимбек отасининг насихатини қабул қилган бўлсада, тўғри йўлга тушмади. Шу тариха, унинг ҳаётида машаққатлиқ давом этаверди.

Йигитнинг ёмон йўлга ки-

раётганлигини сезган ота-она маслаҳат қилиб Салимбекни уйлантириш ниятига тушишди. Улар ўзларига мос, ўқимишли хонадондан келин топишди. Борди-келди ва бўлажак келин-куёвларнинг учрашувларидан сўнг ниҳоят фотиҳа ҳам бўлди. Бўлгуси келин-куёв рўйхатдан ўтиш учун ФХДга ариза беришди. Салимбекнинг юраги орқага тортиб кетди, саёқ юргани эсига тушди...

Ниҳоят, ҳамма текширувлар натижасидан иқовлари хурсанд бўлиб турган вақтда врач Салимбекнинг бир ўзини хонада қолишини илтимос қилди. У Салимбекни ОИТС касаллиги учун қайта текширувдан ўтказиш зарурлигини айтди. Қайта текширувда Салимбекни ОИТС касаллиги вирусини билан зарарланганлиги маълум бўлди. Доктор унга бу касаллик қандай юқиши мумкинлигини тушинтиргач, Салимбек тушунлиққа тушиб қолди.

– Доктор, мени ҳеч нарса безовта қилаётгани йўқ-ку? Бу ёғи нима бўлади? – дея ўзини боса олмасди.

Доктор вазминлик билан яна тушунтирди:

– Сиз ОИВ, яъни одамнинг иммунитет текширилиги вирусини билан зарарлангансиз. Бу вирус одамнинг иммунитет (химоя) ти-

зимига таъсир қилади ва иммунитет танқислигини келтириб чиқаради. Натихада, инсон организми микробларга бардош бериш хусусиятини йўқотади, яъни химоялана олмай қолади ва касалликнинг белгилари намоён бўлади.

– Бу касаллик менга қандай юқиб қолди? – саврсиялик билан сўради у шифокордан.

– Биринчидан – бу касаллик жинсий алоқа йўли билан юқиши мумкин. Эркак ёки аёл нотаниш шахслар билан зино қилса, эрхотинлик ришталарига амал қилмаса, ОИТС касаллигининг вирусини юқадди.

Иккинчидан, қон орқали, яъни қон томири орқали гиёҳванд моддани олувчилар билан битта шприц ва игнадан фойдаланилганда, яна вирус билан зарарланган қон текширилмасдан беморга қуйилганда, стерилланмаган шприц ва игналардан фойдаланганда ҳам юқиши мумкин.

Шундан сўнг, Салимбек, бошидан ўтган воқеаларни шифокорга айтиб берди.

– Мана, айтиб беришингизга караганда стерилланмаган шприцдан фойдаланмагансиз, гиёҳванд эмассиз, аммо нотаниш аёллар билан бир неча марта зино қилгансиз...

– Доктор, балки бу ҳақда бошқаларга айтишим шарт эмасдир.

– Йўқ, сизга фотиҳа қилинган қизга уйланишингиз учун қуйидаги маслаҳат жоиз бўлади. Сиз ОИТС касаллиги вирусини юқтириб олганлигингизни у қизга айтишингиз зарур. У сизга турмушга чиқишга рози бўлсагина уйланишингиз мумкин. Чунки, Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган ОИТС касаллигининг олдини олиш ҳақидаги қонунга биноан, ўзининг касаллигини билатуриб иккинчи шахснинг касал қилиб қўйишга сабаб бўлса, у шахс жинсий жавобгарликка тортилади. Бу масаланинг бир томони. Иккинчи томони эса, бу ондан соғлом боланинг туғилиши имкони худда кам...

Хурматли газетчон! Сиз Салимбекнинг қисмати орқали ОИТС касаллиги ҳақида айрим маълумотларга эга бўлдингиз.

Шунинг учун ҳам кўчлилик шу касалликка учраган шахсларни жамиятимиз орасида юриши ҳафли эмасми, уларга қандай чора қўриш керак, деган саволлар билан бизга кўп мурожаат этишди.

Аҳамият берган бўлсангиз, касаллик асосан хулқ-атвори бузқў шахсларда, яъни гиёҳвандларда ва зино қилувчиларда ёки

нопоклик билан пул топишга ҳаракат қилиб стерилланмаган шприцларни гуруҳ бўлиб ишлатганда ва қонни текширмасдан қуйиб қорибор шолларидagina юқиши мумкин.

Оллоҳ буюрган ишларни вақтида бажариб, поклик билан ҳаёт кечираётган шахслар бу касалликка ҳеч қачон чалинмайдилар.

Мустақил Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига маънавий жиҳатдан баркамол, жисмонан ва ақлан соғлом, улуғ аждодларимиз ишини давом эттира-оладиган ёшлари билан доимо фахрланади. Баркамол авлоднинг маънавий поклиги дунё бўйича яшиндек тез тарқалиб бораётган ОИТС касаллиги худудимизда кенг тарқалиб кетишининг олдини олишимиз муқаррар. Аммо бу соҳадаги чора-тадбирлар кенг камровли бўлмоғи лозим. Шу сабабли ҳам ҳукуматимиз бу масалга жиддий ёндашиб, гамхўрлик қилиб келмоқда.

Бу касалликни аҳоли ўртасида кенг тарқалиб кетишининг олдини олиш муаммоси билан барча давлат ва нодавлат ташкилотлари, қолаверса кенг омма шугулланиши лозим.

Н. ЖЎРАЕВ,
Республика ОИТС
марказининг
Эпидемиология
бўлими мудири.

1 декабрь — Бутун Жаҳон ОИТСга қарши кураш куни

XX асрнинг саксонинчи йилларида сайёрамизнинг ҳеч бир киши илгари номаълум бўлган ва ОИТС деб ном олган дахшатли юқумли касаллик қайд қилиниб, инсоният ҳаётига хавф солиб, миллионлаб кишиларнинг ўлимига сабаб бўлади деб ўйламаган эди. Мана бугунги кунда у жаҳон микёсида муаммага айланиб, кишилар соғлиғига атом бомбасидан ҳам кучли таъсир кўрсатиб, ўлимга маҳкум этаётган, ҳозирча давосиз дардга айланган. Унинг жаҳон бўйлаб кенг тарқалганлиги ушбу фикримизнинг ёрқин далилидир.

Одамнинг иммунитет танқислиги вируси (ОИВ) билан зарарланиши, инсоният тарихида энг оғир ва хавфли пандемия ҳисобланади, у ўзининг тарқалиш тезлиги ва оқибати билан ўлат касаллигини эслатади. Ҳозирги кунда бу касаллик жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида қайд қилинмоқда.

Бу вирус охири-оқибат киши танасидаги ёт моддалар бактерия, вирус, замбуруғ кабиларга қарши курашувчи химоя воситаси бўлган иммунитет тизими (Т ва В-лимфоцитлар, суяк илтиги, жигар, қора талок, ички безлар ва бошқалар)ни емиради.

нинг барчаси хорижий фуқаролар бўлган. ОИВ дастлабки 2 йилда хорижий фуқаролар Африка мамлакатларида Тошкентга келиб университет ва институтларнинг тайёрлов курси талабалари бўлган. Кейинги йилларда Тошкент ва Бухорода меҳмонхоналар қурилиши-

ларга қаршилиқ қилишдир.

Киши ОИВ билан зарарлангандан кейин – касалликнинг яширин даври 3 ойдан 2-8-15 йил ва ундан ортқ давом этади. Баъзи ҳолларда бу давр юқши йўлларига қараб қисқа ёки узок бўлиши мумкин. Яширин даври ўтгач касалликнинг айрим белгилари аста-секин ривожланиб боради. Жисмоний меҳнат қилганда тез чарчаш, дармонсизлик, тана ҳароратининг 37-38°С гача кўтарилиши, кечалари терлаш, бўйин, кулоқ орти тирсак ва чов лимфа безларининг катталашуши, иштаҳа ва уйқунинг бузилиши, ортирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС)нинг дастлабки белгилари ҳисобланади. Вақт ўтиши билан киши озади, меъда-ичак фаолияти бузилиб ич кетиши (10-15 мартагача) кузати-

расм солиш (татуировка)да фойдаланиладиган игналар ишлатилганда. Шунингдек, яна бир қанча сабаблар орқали вирус юқиши мумкин.

Вирус юққан онадан ҳомилага ҳомиладорлик даврида, туғиш жараёнида ва гўдакка кўкрак сuti берганда юқиши мумкин.

Мабодо ўзингизга ОИВ юқиб қолди деб ўйласангиз, нима қилиш керак?

Бу ҳолларда республика вилоятлари, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасидаги ОИТС профилактикаси Марказлари ва улар хошидаги ишонч пунктларига мурожаат қилинг. У ерда ОИВ, ОИТС бўйича ўзингизни қизиқтирган барча саволларга жавоб топасиз. Билиб қўйинг, улар хуфёна ва сир сақлаган

унинг сурнкали ва узок давом этиши (2-15 йил), ОИТСга сабаб бўлиб, ўлимга олиб келмоқда.

Қайси ҳолатларда ОИВ юкмайди?

Қўл бериб ва кучоқлашиб кўришганда, ўпишганда, йўталганда ва аксирганда, умумий телефондан фойдаланганда, шифоҳонадаги беморни бориб кўрганда, ҳашаротлар чаққанда, умумий идиш-товоқда бирга овқатланганда, ҳовузда, ҳаммомда бирга қўйилганда, ички ва сиртка кийимлар орқали, бир хонада ишлаганда, шунингдек, бирга ўйнаганда ҳам мазкур касаллик юкмайди.

ОДАМ ИММУНИТЕТ ТАНҚИСЛИГИ ВИРУСИДАН САҚЛАНИШ

Натижада организмда иммунитет танқислиги синдроми (белгилари) – ОИТС пайдо бўлишига сабаб бўлади.

ОИТС вирусини биринчи бўлиб 1983 йилда француз олими Люк Монтанье, 1984 йилда америкалик олим Ричард Галло аниқлашган. Бу вирус жуда хавфли бўлиб, ўз хусусиятини тез-тез ўзгартириб туради. Ташқи муҳитга чидамсиз, 56-57°Сда 10 дақиқа, қайнатилганда дарҳол ҳалок бўлади. 70°С этил спирти, 3 % хлорамин эритмаси таъсирида 10-30 дақиқада ўлади.

Жаҳон соғлиғини сақлаш ташкилоти (ЖССТ)нинг расмий маълумотларига қараганда ОИВ/ОИТС касаллиги биринчи бўлиб 1981 йилда АҚШнинг Нью-Йорк, Сан-Франциско штатларида, оз вақт ўтар-ўтмас Канада, Кариб дёнги хавзасида жойлашган мамлакатлар, яъни Бразилия, Марказий Африка, Марказий ва Фарбий Европа, ҳаттоки Австралия ва Япония каби мамлакатларда ҳам расмий равишда рўйхатга олинган. Ҳозирги кунда бу касаллик бўйича эпидемиологик вазият тобора кескинлашиб, мураккаблашиб бормоқда.

ЖССТнинг маълумотига кўра, 1990 йилнинг декабрь ойигача ер юзюда 8 миллиондан ортқ кишининг ОИВ юқтирганлиги қайд қилинган бўлса, ОИТС билан касалланганлар сони 300 мингдан ортқ бўлган. Айни кунда дунё бўйича ОИВни юқтирганлар сони 50 миллиондан ошган бўлса, булардан 20 миллионга яқини аёллардир.

Ҳозирги вақтда ер кўрсисининг деярли барча мамлакатларида ОИВ/ОИТС кўлаб қайд қилинмоқда. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида бу касаллик бўйича эпидемиологик вазият ниҳоятда жиддий. Мамлакатимизда ОИВ/ОИТС касаллиги 1987 йилдан қайд этила бошлади.

Қайд этилган беморлар орасида хорижий фуқароларнинг салмоғи 1987-1988 йилларда 53,0 %ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 1999 йилда 20,0 %, 2000-2003 йилларда 0,4-0,6 %ни ташкил этган.

1987-1988 йилларда ОИВ/ОИТС билан оғриган 7 нафар бемор аниқланган бўлса, улар-

га жалб қилинган Хиндистоннинг «Та-Та» компанияси ишчилари томонидан республикага олиб келинган.

Маҳаллий аҳоли ичида бу касаллик билан касалланиш 1989 йилда бошланган. 1989-1998 йилгача ўртача ҳар йили 1-3 нафар маҳаллий бемор қайд қилинган 1999 йилдан бошлаб уларнинг сони кескин кўпая бошлаган, хорижий фуқароларнинг сони эса камайган.

Шуни таъкидлаш лозимки, бу касалликнинг тарқалиши республикамизнинг барча ҳудудларида бир хил эмас. Қайд қилинган беморларнинг 48,5 фоизи Тошкент шаҳрига, 20,9 фоизи Тошкент вилоятига, 5,7 фоизи Самарқанд, Андижон, Сурхондарё вилоятларига, қолган вилоятларга эса 0,1-2,7 фоизи тўри келади.

Бу касаллик аҳолининг турли гуруҳларида ҳар хил тарқалган бўлиб, умумий қайд этилган беморларнинг 1044 нафари (29,0 %) гиёҳвандлар, 1085 нафари эса (30,2 %) жазо муддатини ўташ муассасаларига тўри келса, 441 нафари (12,4 %) клиник кўрсаткичлар бўйича текширилувчи беморлар ва 370 нафари (102 %) до-норлар орасида аниқланган. Таносил касалликлари билан оғриган беморлар орасида 143 та (4,0 %), ОИВ/ОИТС касаллигига чалинган беморлар билан мулоқотда бўлганлар орасида 67 (1,9 %), тартибсиз жинсий алоқа қилувчилар орасида 89 та (2,5 %), хуфёна текширишлар натижасида 47 та (1,3) ва ҳомиладорлар орасида 34 та (0,9 %) касаллик аниқланган. Республикада ОИВ/ОИТС билан касалланганларнинг 82,4 фоизини эркаклар, 17,6 фоизини аёллар ташкил этади.

Тахлилларга кўра, бу касаллик 459 та (12,7 %) беморга жинсий алоқа ва 2133 та (59,0 %) беморга санчиш (парентрал) йўли билан юққан, 1014 та беморда эса касалликнинг қайси йўллари билан юққанлиги аниқланмоқда.

ОИВ – бу қонга тушиб, химоя хужайралари орқали ўтади ва уларнинг нобуд бўлишига олиб келади. Бунда одам ҳар қандай касалликларга қаршилиқ кўрсата олиши мумкин бўлмай қолади. Шунинг учун у иммунитет танқислиги деб аталади. Иммунитет – бу, организмнинг химояланиш қобилияти, унинг хусусияти касаллик-



лади. Кейинчалик беморда зотил-жам ривожланиб, лаб, бурун, оғиз бўлими ҳамда жинсий аъзолари шиллик қавати ва атрофларига унқ тошади. Булар бир-бири билан қўшилиб, йирингли ярага айланади, улар узок вақтгача тузалмай, беморнинг аҳоли янада ёмонлашади. Бу орада бемордаги химоя воситаси бўлган иммунитет тобора кучсизлана боради.

Танада иммунитет танқислиги ошиши билан нафас олиш, меъда-ичак, мия ва шу каби бошқа ҳаётий муҳим аъзоларда турли муаммоларнинг кўзатувчи бактериялар, вируслар, замбуруғлар ривожланади.

Бу асоратларга турли хавфли ўсмалар қўшилади. Натижада, ОИТС ўлим билан тугайди.

Касаллик вирусни қайси йўллари билан юқади?

Вирус юққан одамнинг қониди, эркакларнинг шаҳватида, аёлларнинг жинсий ақралмаларида ва кўкрак сutiда бўлади. Шунинг учун вирус асосан 3 хил йўл билан юқади: қон, жинсий алоқа орқали ва вирус юққан онадан ҳомиласига ўтади.

Вируснинг қон орқали юқиши куйидаги ҳолларда қайд қилинади:

- томир орқали гиёҳванд модда олувчиларда умумий шприц ва игна ишлатилганда, тери қоплами бутунлигини бузиб бошқариладиган муолажалар орқали, вирус билан зарарланган қон ва унинг махсулотлари қуйилганда;
- стерилланмаган тиббиёт ангижмлари, устара, қайчи, олмос (лезвия), хатна қилиш, кулоқ, бурун, лабни тешишда, баданга

ҳолда иш олиб бериладар. Истасангиз, лаборатория текшири-видан ўтишингиз ҳам мумкин.

Таносил касалликларининг борлиги ОИВнинг юқиш хавфини оширадими?

– Одамда захм, сўзак, уламини-доз ва бошқа жинсий йўл билан юқадиган касалликлар бўлса, бундай кишиларга ОИВнинг юқиши эҳтимоли (хавфи) соғлом одамларга нисбатан бир неча хисса юқори бўлади.

Куйидаги белгилар, яъни бир неча ҳафта ичида тана ҳароратининг сабабсиз кўтарилиши, бир ойдан кўпроқ вақт давомида йўталиш, 30-45 кун ва ундан кейинги вақт давомида ҳеч қандай сабабсиз озиш юз бериши, бир неча ҳафта ичида ич кетиши кузатилса, лимфа тугунлари катталашиб, уларда оғрик пайдо бўлса тезлик билан шифокорга мурожаат этинг.

ОИВнинг олдини олиш учун шахсий шприц ва ундан фойдаланиш, жинсий ҳамроҳнинг доимий бўлиши, тасодикий жинсий алоқа вақтида албатта резина гилофдан тўғри фойдаланиш, бунда у нафақат ОИВдан, балки бошқа таносил касалликлари (захм, сўзак, трихомониаз) ҳамда В, С ва Д гепатитлар юқишидан ҳам химоя қилади. Куйидагидан донор қони ва унинг махсулотлари ОИВга текширилган бўлиши шарт, сартарошонга кирганингизда эса устадан асбобларнинг зарарсизлантирилганлигини талаб қилинг, фақатгина шахсий соқол оладиган, тирнок тозалайдиган асбобларингиздан фойдаланинг.

Ўзингизни ва ўз яқинларингизни қандай қилиб ОИВдан химоя қилишингиз мумкин?

Энг ахшиши – тўлиқ воғга етмагунча жинсий алоқадан ўзингизни тийинг. Резина гилофдан мунтазам равишда ва тўғри фойдаланиш – бу ОИВдан сақланишининг энг ишончли йўлидир, фақат биргина садоқатли ва ишончли соғлом шерик билан жинсий алоқада бўлиш мақсадга мувофиқдир.

Нима сабабдан ОИВ хавфли?

Унинг юқумлилиги ва тез тарқалиши, даволаш ва олдини олиш (профилактика) учун дори-дармон ва эмлаш воситалари (вакцина-зардобнинг мавжуд эмаслиги,

Барча софдил ва холис одамлар сингари гўзал, ибодли аёлларимиз ва қизларимиз шарм-ҳаё, хулқ, одоб, жисми ва ёшига мос либос, боқий гўзаллик ва бахт-саодатни, эркакларимиз, йигитларимиз эса садоқатли севги-вафони, зарарли одатлардан тийилиш, миллатимизга хос шарқона тотли ҳаёт, порлоқ ва соғлом келажак қуришга онгли равишда масъулият билан ёндошсалар, бундай хавфли касалликдан ўзларини асраган бўладилар.

“1 декабрь – Бутунжаҳон ОИТСга қарши кураш куни” муносабати билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика Саломатлик институти қатор тадбирларни режалаштирган. Жумладан, маҳалларда, жамоаларда, аҳоли мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юрталари талабалари билан учрашувлар, маъруза, сўхбат, радиодуошхбат, телекўрсатув, ўйин, сахна кўринишлари, савол-жавоб кечалари, газета саҳифаларида мақолалар чоп қилиш кабилар кўзда тутилган. Шу кунларда Тошкент шаҳри Сирфали туманининг молия ва касб-хунар коллежларида, Бектемир туманининг 291-293 мактабларида, Педиатрия институти академик лицейида, Давлат жисмоний тарбия институти ва бошқа жойларда учрашув, савол-жавоб кечалари, маърузалар ташкил қилинади.

Шунингдек, ушбу тадбирлар Саломатлик институтининг филиаллари, туман ва шаҳар Саломатлик марказлари томонидан ҳам ўтказилмоқда.

ОИТСга қарши кураш фақатгина тиббий ходимлар иши бўлмай, балки унинг олдини олишда жамоалар, маҳаллар, оилалар, билим масканлари, вазирликлар, қўмиталар, жамғармалар, Халқаро нодавлат ташкилотлар ҳам фаол иштирок қилишлари лозим.

Зулхумор МУТАЛОВА,
Республика Саломатлик институти директори.
Ёри ЖўРАЕВ,
Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги Соғлом турмуш тарзи бош мутахассиси.

Основные различия в клинической картине ОРВИ заключаются как в характере начала болезни и основной локализации патологического процесса, так и в выраженности лихорадки, интоксикации и катаральных симптомов в верхних и нижних отделах дыхательных путей.

Наличие сосудистых изменений при сравнительно умеренном поражении дыхательных путей с признаками трахеита, а также склонность к лейкопении – вот симптомы, помогающие клинически распознать грипп. Даже при неосложненном течении болезни отмечается цианоз губ и слизистых оболочек, геморрагические проявления – от слабых носовых кровотечений, точечных геморрагий на мягком небе, микрогематурии, до крайне выраженных молниеносных форм, что также имеет диагностическое значение.

Если лихорадка продолжается дольше 5-6 дней, то нужно думать о возможности другого заболевания или присоединения осложнений. Применение антибиотиков, сульфаниламидов и глюкокортикоидов может изменить естественный ход температурной кривой.

Ведущим для гриппа является синдром интоксикации, обычный при многих других заболеваниях, поэтому особого диагностического значения не имеет. В целом, в клинической картине гриппа, в отличие от других ОРВИ, с первых же часов преобладают признаки токсикоза, которые в основном и определяют тяжесть болезни. В первые два дня обычно уже имеется развернутая картина заболевания.

При острых менингитах налицо полный или неполный менингеальный синдром (ригидность затылочных мышц, симптомы Брудзинского, Кернига, Гийена и др.). Тяжелым гипертоксическим формам гриппа свойственен менингит, а менингизм, характеризующийся неполным менингеальным синдромом.

Развитие отека – набухания головного мозга сопровождается спорадическими, судорогами, олигопноэ и брадикардией. Сами по себе общая слабость, головокружение, обмороки, асценизация не имеют диагностического значения, но в сочетании с головной болью и ретроорбитальными болями, а также катаральными симптомами могут свидетельствовать в пользу гриппа.

Наиболее частые проявления геморрагического синдрома при гриппе – носовые кровотечения, но они бывают и при других заболеваниях и помогают диагностике лишь в сочетании с другими характерными симптомами.

Клинические признаки поражения дыхательных путей при гриппе отличаются некоторым своеобразием: катаральные явления умеренные с наиболее интенсивным поражением трахеи и крупных бронхов. К особенностям гриппа относится как бы «запаздывание» катаральных симптомов на несколько часов или 1-2 дня. Катаральные явления иногда могут быть очень слабыми, но имеются всегда. Фарингит и тонзиллит встречаются только при аденовирусном заболевании, изолированный ларингит при парагриппе, но в сочетании с трахеитом может наблюдаться и при гриппе.

Ринит является постоянным симптомом при всех ОРВИ, но имеет особенности при каждом из них. Ринит при гриппе, как правило, умеренный, недлительный – в среднем от 3 до 6 дней в отдельных эпидемиях. Гриппу свойственны гиперемия, цианотичность, сухость слизистой оболочки полости носа и глотки. Наблюдается набухлость и цианоз нижних носовых раковин, но дыхание через нос чаще сохранено. Отделяемое скудное, серозное и серозно-слизистого характера. Слизистая оболочка мягкого неба и задней стенки глотки также ярко гиперемирована с инъекцией сосудов, часто цианотична, суховата, иногда с точечными кровоизлияниями. Кашель – один из самых частых симптомов гриппа, у большинства сухой, в ряде слу-

чаев – влажный, с выделением не обильной слизистой мокроты.

